

**Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиалининг
ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот ва маънавий-маърифий фаолияти бўйича
ХИСОБОТИ**

ТТА Фарғона филиали тўғрисида умумий маълумотлар. Филиалда 1 та Тиббий профилактика иши факултетининг 3 та йўналишида жами 503 нафар талаба таҳсил олади. Шундан Касб таълими: Тиббий педагогик иш йўналишида 155 нафар, Тиббий профилактика ишида 265 нафар, Олий ҳамширалик иши йўналишида 83 нафар талаба бўлиб, уларнинг 109 нафари давлат гранти, 394 нафари тўлов шартнома асосида таҳсил олади. Шунингдек, Филиалда 5 та йўналиш бўйича 8 нафар клиник ординаторлар таҳсил олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 майдаги ПҚ-2956-сонли қарори билан Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали фаолияти тўхтатилган. Шунинг учун 2017-2018 ўқув йилида талабалар қабул қилинмади. 2018 йил 4 июндаги ПҚ-3769-сонли қарор билан ТТА Фарғона филиали фаолияти қайта тикланди.

2018/2019 Ўқув йили қабули натижалари

№	Таълим йўналиши номи		Кабул режаси 2018 й	Тушган аризалар сони (ўқитиш тиллари бўйича)				
	Шифри	Номи		Жами 2018	Ўзбек	рус	конкурс	
					Кунд	кунд		
1	5510300	Тиббий профилактика иши	75	1601	1439	162	21,3	
2	5510700	Олий ҳамширалик иши	25	761	720	41	30,4	
Жами:			100	2368	2159	203	23,7	

Филиалда жами 82,75 та иш ўрни бўлиб, жами 123 нафар профессор-ўқитувчилар ишлайди. Уларнинг 61 нафари асосий штатда, 62 нафари ўриндошлардир.

Вилоятда 20 та ДПМлари ўқув амалиёт базаси этиб белгиланган.

Профессор-ўқитувчиларни малака оширишлари:

1. ФарДУ кошидаги минтақавий марказ - 4 нафар;
2. ТАТУ тармоқ маркази - 1 нафар;
3. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти тармоқ маркази - 1 нафар;
4. Тошкент давлат жаҳон тиллари университети тармоқ маркази - 2 нафар;
5. Тошкент тиббиёт академияси тармоқ маркази - 20 нафар;
6. Бош илмий методик марказ - 7 нафар;
7. Хорижда стажировкада – 2 нафар.

Жами: 37 нафар.

Илмийсалоҳият асосий иш ўрнида ишлайдиганлар бўйича – 49,6%, ўриндошлар билан биргаликда – 32,5% ни ташкил этади. Асосий ишлайдиган фан докторлари 5 нафар, фан номзодлари 24 нафар, ўриндошлиқ асосида ишлайдиганларнинг 3 нафари фан доктори, 8 нафари фан номзодлариридир.

Ўтган хисобот йилида жами 633 та иш чоп этилган бўлиб, уларнинг 61 таси хорижий, 39 таси республика журналларида чоп этилган.

Иқтидорли талabalар билан ишлаш. Филиалнинг Илмий Кенгашида тасдиқланган “Иқтидорли талabalарни излаш, аниқлаш ва уларни мақсадли тайёрлаш” Низоми асосида 61 нафар иқтидорли талabalар танлаб олинган. Уларнинг илмий иш мавзулари ва

режалари илмий услугбий кенгашда мухокама қилиниб, тасдиқланган. 2018 йилда иқтидорли талабалар томонидан жами 75 та илмий мақола ва тезислар чоп этилди.

Рефератив нашрларда чоп этилган мақолаларга <https://scholar.google.com> халқаро кидириув тизимидағи иқтибослар – 192 та ни ташкил этади.

Амалий грант лойихалари 2 та бўлиб, улар:

1. “Олий ўқув юртларида талабаларнинг экологик маданиятини шакллантиришнинг услугбий асослари” – лойиҳа маблағи – 65 млн.сўм.

2. “Жамиятда соғлом онани шакллантиришнинг ижтимоий - психологик омиллари” – лойиҳа маблағи – 80 млн. сўм.

2018 йилда филиалнинг 1-ўқув биноси Фарғона вилоят ҳокимлигининг маҳаллий маблағлари ҳисобидан 2,7 млрд. сўмга капитал таъмирланди ва фойдаланишга топширилди. Бинога 600 млн.сўмлик янги мебеллар ва ўқув жиҳозлари сотиб олинди. Талабалар турар жойида 600 млн.сўмлик қурилиш таъмирлаш ишлари олиб борилиб яна кўшимча 100 ўринга шароитлар яратилди.

ТТА Фарғона филиалида “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-куватлаш йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан бешта устувор йўналишлари бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди:

Жумладан, Ёшларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, хуқуқий ахборотдан тўғри фойдаланишни ташкил этиш мақсадида талабалар ўртасида “Менинг фикрим” лойиҳасини амалга ошириш ва “Хуқуқий ахборот” интерактив портали фаолиятини йўлга кўйиш бўйича Олий таълим вазирлиги, Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон “Адолат” СДП партияси вилоят кенгаши билан ҳамкорликда ишлар амалга оширилди. Матбуот котиби томонидан “Телеграмм” канали орқали ахборотлар етказиб борилди ва талабаларнинг фикр ва мулоҳазалари ўрганилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш, жамиятда юксак хуқуқий маданиятни, қонун ва инсон хуқуқларига хурмат муносабатини шакллантириш бўйича барча академик гуруҳларда “Ахборот ва мураббийлик соати” машғулотларида мураббийлар томонидан талабаларга “Ахборот материаллари” етказилиб, тарғибот ишлари олиб борилди. Вилоят “Адолат” СДП билан ҳамкорликда хуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллари, профессор-ўқитувчилар ва талабалар иштирокида Фарғона вилоят телевидениеси ҳамкорликда “Минг бир мавзу” кўрсатуви ташкил этилди. Фарғона вилояти шаҳар ва туманларида аҳоли ўртасида ижтимоий-маънавий муҳитни ўрганиш бўйича филиал ходимлар жалб этилиб, республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг жамоатчиликка етказиш, жамиятда юксак хуқуқий маданиятни, қонун ва инсон хуқуқларига хурмат муносабатини шакллантириш юзасидан тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар масалалари бўйича Республика идоралараро мажлисининг 2018 йил 8 февралдаги 4-сон баёнида “Ёшлар – келажак бунёдкори” шиори остида ёшлар фестивалларини ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда 2019 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастурида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ТТА Фарғона филиали “Настарин” талбалар театр студияси жамоаси томонидан “Хазон бўлган гул”, “Қирмизи олма”, “Кунда” номли спектакллари саҳналаштирилиб, вилоят телевидениеси орқали намойиш этилди. Мазкур спектакллар вилоятдаги олий таълим муассасалари ўртасида ўтказилган кўрик-танловда фахрли 1-ўринни эгаллади ва “Долзарб мавзунинг саҳнавий талқини учун” номинацияси ғолиби деб топилди. Ушбу спектакль орқали жиноятчиликни олдини олиш ва хуқуқбузарлик профилактикаси бўйича ёшлар ўртасида тарғибот тадбирлари олиб борилди. 2018 йил октябрь ойида ўтказилган “Ёшлар келажак бунёдкори” Республика ёшлар фестивалида “Настарин” жамоаси “Миллий анъана ва қадриятларни тараннум этган спектакль” номинацияси ғолиблигини қўлга киритди.

Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиалининг халқаро алоқалари

1. Академик И.П. Павлов номидаги Биринчи Санкт Петербург тиббиёт университети
2. Кубань давлат тиббиёт университети
3. Курск давлат тиббиёт университети
4. Астрахан давлат тиббиёт университети
5. Оренбург давлат тиббиёт университети
6. Калининград шаҳридаги Болтиқ халқаро бизнес Олий мактаби
7. Педагогика, психология ва жаҳон тиллари олий мактаби
8. Ош давлат университети
9. Абу Али Ибн Сино номидаги Тожик давлат тиббиёт университети
10. С.Д. Асфендияров номидаги Қозоқ давлат миллий тиббиёт университети

Жорий ўқув йилида ТТА Фарғона филиалига 20 дан ортиқ хорижий мутахассислар ташриф буюрдилар ва маъруза машғулотлари ҳамда мастер класслар ўтиб бердилар.

1. Хиндистон давлати Артемис клиникаси – Ахмад Манзур Мир
2. Латвия давлати Павел Страдиня номидаги Рига давлат тиббиёт университети – Роза Розенбаум
3. Украина ҳарбий-тиббиёт академияси профессори, тиббиёт фанлари доктори Селюк М.Н
4. РФ ССВ РМАПО Клиник лаборатория диагностикаси кафедраси мудири Долгов В.В.
5. Германиянинг Senior Experten Service (SES) халқаро ташкилоти ходимлари педиатр *Хайнинг Розенкёттер* ва акушер-гинеколог *Гёст Нойгебауерлар*
6. АҚШнинг Вашингтон миллий юқумли касалликлар институти олими Лия Винсент
7. 1-СПДТУ профессорлари И.В. Попов, А.Д. Ягмуров
8. Болтиқ халқаро бизнес мактаби – профессор П.П. Ященко
9. Педагогика, психология ва жаҳон тиллари олий мактаби – профессор Ф.Р. Юзликаев
10. Тожикистан давлат тиббиёт университети профессори – А.С. Сайдов, академик К. Ҳайдаров, профессор F.A. Тошбоев

Амалга оширилиши зарур бўлган долзарб вазифалар:

- ✓ Филиал 2 ва 3-ўқув биноларини ҳамда талабалар ошхонасини капитал таъмирлаш учун давлат дастурига тушириш
- ✓ Филиалнинг ўқув ва моддий техник базасини яхшилаш
- ✓ Талабаларнинг ўзлаштириш ва сифат кўрсаткичларини ошириш
- ✓ Хорижий таълим муассасаларидан ҳамда ТТАдан етакчи профессорларни жалб қилиш ва талабаларга маърузалар ўқитиши
- ✓ Хорижий таълим муассасалари билан алмашув дастурларида иштирок этиши
- ✓ Хорижий конференция ва семинарларда иштирокларни кўпайтириш
- ✓ Хорижий давлатлар ва махаллий давлат грантлари ҳамда соҳалар бўйича буюртмалар асосида пул маблағларини жалб қилиш
- ✓ Талаба ёшларнинг илмий тўғараклари ва жамиятининг фаолиятини кучайтириш
- ✓ Монография, дарслик, ўқув қўлланмалар, ўқув-услубий мажмуалар чоп этиши ва Республика мувофиқлаштирувчи кенгашларида тасдиқлатиш
- ✓ Чоп этилган илмий мақолаларга иқтибосликлар сонини кўпайтириш
- ✓ Хорижий ва махаллий илмий журналларда мақолалар чоп этишини кўпайтириш
- ✓ Педагог-ходимлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигига илмий ишланмаларни рўйхатдан ўtkазib патентлар ва жорий этиш далолатномаларни олиш
- ✓ Хорижий, республика Фан олимпиадалари ва конференцияларида талабалар иштирокини таъминлаш ва совринли ўринларни олишларига эришиш

